



ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ЯНГИ РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 15 май куни амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Ташриф доирасида дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан биргаликда Туркистон шаҳрида Ўзбекистон томонидан бунёд этилган масжид билан танишди.

Мажмуанинг умумий майдони 7 гектардан зиёд ташкил этади, унда 5 мингдан ортиқ киши намоз ўқиши мумкин. Муҳташам ансамбль тўртта 70 метрлик минора ҳамда асосий зал ва аънавий айвонларни ўз ичига олган уч қаватли бош бинодан iborat.

Ислон ва Шарқ меъморчилигининг энг яхши аъналарига мувофиқ барпо этилган жоме масжидида миллий нақшлар, шарқона гумбазлар, баланд миноралар ҳамда замонавий қурилиш технологиялари уйғун қиёфа касб этган. Масжиднинг ички безагида ислом хатотлиги ва нақошлик санъати намуналаридан кенг фойдаланилган.

Атрофдаги 4,2 гектар майдонни ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ерда яшил майдонлар, йўлақлар, дам олиш жойлари, ёритиш тизимлари, манзарали қурилмалар ва фавворалар барпо этилмоқда.

Ўзбекистон томонидан қардош Қозоғистон халқи ҳамда Туркистон аҳолисига тухфа сифатида қуриб битказилган ушбу муҳташам мажмуа икки давлат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва маданий яқинлик, яхши қўшничилик ҳамда иттифоқчилик муносабатларининг ёрқин ифодаси бўлгани таъкидланди.

Қуръон оятлари тиловат этилиб, қардош халқларимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо ўқилди.

Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев



ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Самимий мулоқотда Ўзбекистон — Қирғизистон дўстлик, яхши қўшничилик ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари қўриб чиқилди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ўсиб, саноат, қишлоқ, сув хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда кооперация лойиҳалари илгари сурилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари, энергетика ва

транспорт соҳаларидаги йирик минтақавий лойиҳаларни, шу жумладан, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини жадаллаштириш чоралари муҳокама қилинди.

Шунингдек, етакчилар минтақавий кун тартибининг муҳим жиҳатлари юзасидан фикр алмашди ва бўлажак олий даражадаги тadbирлар режасини қўриб чиқидилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан ҳам учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбарининг жорий йил январь ойида Анкарага расмий ташрифи Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янги, янада юқори босқичга олиб чиққани таъкидланди.

Олий даражада эришилган муҳим келишувлар икроси юзасидан фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани, вазирилик ва идоралар ўртасида янгилик тизим яратилгани натижасида кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари самарали ривожланиётгани қайд этилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОРАСМИЙ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Хурматли делегациялар раҳбарлари!
Хурматли саммит иштирокчилари!

Авваломбор, қадимий ва навқирон Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий мулоқотини ўтказиш ташаббуси, барчамизга кўрсатилаётган юксак эҳтиром ва аънавий меҳмондўстлик учун Қозоғистон Республикаси Президенти, хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга чин дилдан ташаккур изҳор этаман.

Шунингдек, Тузилмамининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш йўлида улкан саъй-ҳаракатларни амалга ошираётган Озарбайжон Республикаси Президенти, хурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевга самарали раислиги учун самимий миннатдорлик билдираман.

Бугунги анжуман мусулмон умматининг улуг айёми — муборак Қурбон ҳайити арафасига тўғри келаётганида чуқур рамзий маъно мужассам. Зеро, бизнинг қадимий тарихимиз, муқаддас динимиз, маданий ва маърифий илдишларимиз, азалий қадрият ва аъналаримиз муштарак.

Гўзал Туркистон шаҳри Буюк ипак йўлининг муҳим савдо ва маданият маркази ҳисобланган. Мазкур заминда улуг аждодимиз Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари мангу ором топган. Бу табаррук кент биз учун, аввало, халқларимиз бирлиги ва ҳам-жиҳатлигининг ёрқин тимсолidir.

Хурматли Президент Қосим-Жомарт Кемелевичнинг халқимизнинг қардош Қозоғистон элига дўстлик тухфаси сифатида барпо этилган муҳташам жоме масжиди ҳақида хозир билдирган самимий фикрлари учун раҳмат айтмоқчиман.

Қозоғистон раҳбариятининг Туркистоннинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартиришга қаратилган улкан бунёдкорлик ишлари ушбу кўркам маскани қардош халқларимизнинг умумий маънавий марказларидан бирига айлантириши шубҳасиз.

Хурматли саммит иштирокчилари!
Бугунги учрашувимиз жаҳонда турли зиддиятлар тобора авж олаётган даврга ишонч тақчилиги янада кучайиб, глобал институтларнинг ўрни ва таъсири борган сари заифлашмоқда. Бу муаммолар биздан ўзаро мулоқотларни фаоллаштириб, муҳим масалалар бўйича уйғун позицияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Шу нуқтан назардан, Туркий дунёнинг интеграцияси бу халқларимиз тақдирига бевосита дахлдор бўлган узоқ муддатли стратегик масалadir.

Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этаётган нуфузли тузилмага айланди. Масалан, 2025 йилда давлатларимизнинг умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди ва унинг динамикаси глобал ўсишдан икки баробар юқори (6,8 фоиз) бўлди.

Утган йилнинг ўзига Ўзбекистоннинг Ташкилот мамлакатлари билан савдо айланмаси 14 фоизга ўсди (11 миллиард доллар). Жорий йилдан Туркий инвестиция жамғармаси операцияси фаолиятини бошлади, Марказий банклар кенгаши, Яшил молиялаштириш бўйича Туркий кенгаши иши йўлга қўйилди.

Буларнинг барчаси Ташкилотимизнинг институционал жиҳатдан тобора мустаҳкамланиб бораётганини яқол тасдиқлайди.

Қадрли дўстлар!
Олдимизда кўп қиррали муносабатларимизга тизимли тус бериш бўйича долзарб вазифалар турибди.

Бугунги саммитнинг сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш мавзусига бағишлангани бежиз эмас. Улқаларимизда яшаб, ижод қилган улуг боболаримиз — Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек алгоритм,

математика, астрономия ва физика фанлари равнақига бекиёс ҳисса қўшиб, шу тариқа хозирги сунъий интеллект ривожини учун асос яратганлар.

Биз аждодларимизнинг ана шундай бебаҳо меросига таяниб, бугун Туркий дунёнинг янги рақамли тараққиёт даврини барпо этаёмиз. Бу йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш учун бир қатор ташаббусларни илгари сурмоқчиман.

Биринчидан, Ташкилотимиз доирасида сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш — бугунги давр талаби.

Мазкур самарали механизм орқали биз иқтисодий ўсишнинг янги нуқталарини белгилаш, булуғли ва квант ҳисоблаш технологияларини ривожлантириш, оқиқ ва замонавий ягона рақамли маконни яратиш имконига эга бўлаёмиз.

Ўзбекистон сўнгги йилларда хорижий инвесторлар билан дата марказлар яратишга 6 миллиард доллар сармага жалб этмоқда. Биз минтақадаги дата марказларини юқори тезликдаги алоқа каналлари билан боғлайдиган “Рақамли туркий коридор концепцияси”ни ишлаб чиқишни таклиф этаёмиз. Мазкур соҳадаги амалий алоқаларимизни янада кучайтириш мақсадида Тошкент шаҳрида аъзо давлатлар иштирокида Технологиялар форумини ўтказишни режа қилганмиз.

Иккинчидан, илм-фан, таълим ва ёшлар масалаларида ҳамкорликни чуқурлаштириш — умумий мақсадимиз.

Илмий-маънавий меросни пухта ўрганиш ва тарғиб этиш учун Тошкент шаҳрида барпо этилган Ислон цивилизацияси маркази минтақавий йирик илмий-маърифий масканга айланиб бормоқда. Шу кунларда қуриб бораётган ТУРКСОЙнинг офиси очилганини олқилаёмиз. Ушбу марказ ТУРКСОЙ ва Туркий академия билан тарихий-маданий манбаларимизни ягона

“катта маълумотлар” платформасига жамласа, халқларимиз учун фойдали иш бўлар эди.

Шу билан бирга, Яссавий тариқатининг бағрикенглик ва маърифатпарварлик ғояларини ҳамкорликда чуқур ўрганиш ҳамда кенг тарғиб этишни таклиф қилаёмиз.

Хабарингиз бор, шу йил Хива шаҳрига “Туркий дунё ёшлари пойтахти” мақоми берилди. Бу қарор, айниқса, ўғил-қизларимизга кучли мотивация бағишлади. Тадбирлар доирасида Ёш лидерлар форуми ва Халқаро ёшлар фестивалини ўтказишга тайёрмиз.

Айтиш жоизки, биз шиддат билан ўзгарётган замон талабларига мос ва рақобатбардор кадрлар тайёрлаш мақсадида “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастурини амалга оширяёмиз. Ҳозирга қадар мазкур лойиҳа орқали 1 миллиондан ортиқ ўғил ва қизларимиз бошланғич кўникмаларга эга бўлди.

Ёшларнинг истиқболли стартаплари, инновацион ишланмалари, сунъий интеллектта асосланган турли ечимларини молиялаштириш учун биз Қозоғистон билан тўзаётган Қўшма венчур жамғармасига Ташкилотнинг барча аъзоларини қўшилишга чорлайёмиз.

Учинчидан, транспорт боғлиқлигини яхшилаш учун рақамли логистика платформаларини яратиш ва интеграция қилиш долзарб аҳамиятга эга.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Ташкилотга аъзо барча давлатлар ўртасида “E-Permit” электрон рухсатномалар тизими тўлиқ ишга туширилганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман. Ўрта коридорнинг стратегик ролдан келиб чиқиб, биз уни айни пайтда қурилайтган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли билан боғлашга катта эътибор қаратаёмиз. Чегараларда божхона ва транзит тартиб-таомилларини энгиллаштириш

бўйича имзоланган Соддалаштирилган божхона йўлаги ҳақидаги битимни ҳаётга татбиқ этиш ҳамда маълумотлар алмашувини тўлиқ рақамлаштиришимиз зарур. Бу логистика занжирлари бўйлаб маълумотлар узатиш, юкларни кузатиш ва жараёнларни уйғун ҳолда ташкил этиш имконини беради.

Тўртинчидан, экологик муаммолар ва иқлим ўзгариши давлатларимиздан мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Бу каби муаммоларга самарали ечим топиш учун сунъий йўлдош маълумотлари асосида Туркий давлатлар ташкилоти иқлим кучайтириш мониторинг қилиш тизимини яратиш муҳим. Бунда қурғоқчиликни барвақт аниқлаш, тупроқнинг емирлигини ва музликларнинг эриши билан боғлиқ ҳолатни доимий кузатиб бориш, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш соҳасига сунъий интеллектни жорий этишга эътибор қаратиш лозим.

Экология масалаларига эътиборни янада кучайтириш мақсадида Ташкилотимиз доирасида 2027 йилни “Табиятни асраш йили” деб эълон қилишни таклиф этаёмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни жорий йилда Самарқандда ўтайдиган Глобал экологик жамғарма ассамблеясида ва Сувни тежаш бўйича Бутунжаҳон форумида фаол иштирок этишга чақираман.

Яна бир масала. Терроризм, экстремизм ва ёт оқимларга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдормиз. Бу жараёнда киберхавфсизлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш ва

замонавий мутахассислар тайёрлаш, тезкор ахборот алмашиш долзарб аҳамиятга эга.

Янги таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш учун туркий дунё доирасида ягона хавфсизлик ва ишонч маконини яратишимиз лозим. Бу борада умумий механизм — Киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилмани ҳимоя қилиш бўйича Туркий альянсини тузиш ташаббусини илгари сураман.

Шунингдек, сунъий интеллектдан фойдаланишда этика ва ахлоқ меъёрларига қатъий риоя қилиш, айниқса, муҳим. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган Ташкилот ташқи ишлар вазирилари ва махсус хизматлар раҳбарларининг қўшма учрашувида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида мувофиқ.

Қадрли дўстлар!
Улуг аждодимиз Аҳмад Яссавий ҳазратларининг “Девони ҳикмат” асарида бирдамлик ва аҳиллик борасида таъкидлаган қўйилган сатрлари бугунги кунда янада теранроқ намоён бўлмоқда:

**Туркий элга меҳр қилдим,
Бирлик йўлин ҳақ деб билдим.**

Биз янги даврда давлатларимизнинг интеллектуал салоҳияти ва бунёдкорлик қудратини бирлаштира олсак, ҳеч шубҳасиз, туркий дунё илгор ечимлар, барқарор тараққиёт маконига айланади.

Асосий мақсадимиз — фарзандларимизга нафақат буюк тарихимизни, балки келажак авлодларимиз ҳам фахрланса арзийдиган бебаҳо меросни қолдиришдир.

Бугун қабул қилинадиган Туркистон декларацияси тили ва дили бир-бирига чамбарчас боғланган халқларимизнинг эзгу ниятларини янада мустаҳкамлаб, “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концепциясида белгиланган юксак мақсадларга эришиш йўлида навбатдаги муҳим қадам бўлади деб ишонаман.



ТУРКИЙ ДУНЁНИНГ ЯНГИ РАҚАМЛИ ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИ

Бошланиш 1-бегда

Жорий йил бошдан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар, мамлакатлар ўртасидаги авиақатновларнинг сони жадал ўсиб бормоқда. Турк компаниялари иштирокида салмоқли лойиҳалар портфели шакллантирилиб, ишлар изчил амалга оширилляпти.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари халқаро ҳамда минтақавий аҳамиятта молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар делегациялари раҳбарлари билан биргаликда Туркистон шаҳрининг тарихий-маданий марказида бўлди.

Олий мартабали меҳмонлар Марказий Осиёдаги ислом меъморчилигининг ёрқин ёдгорликларидан бири, Қозоғистоннинг бош маънавий маркази бўлган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилдилар.

XIV аср охирида Амир Темур фармойишига биноан барпо этилган ушбу мақбара бугунги кунда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган бўлиб, Марказий Осиёдаги ўрта аср ислом меъморчилигининг энг ноёб ва муҳташам намуналаридан бири ҳисобланади. Унинг қурилиши 1389-1391 йилларда бошланган, XIV аср охирига қадар давом этган. Мажмуани бунёд этишда Мовароуннахр усталари, шунингдек, бошқа худудлардан келган меъмор ва наққошлар қатнашган.

Етакчилар буюк сўфий шоир ва мутафаккир хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Шунингдек, делегациялар раҳбарлари “Ҳазрат Султон” музей-қўриқхонасининг ташрифлар маркази билан таниди. Бу ерда зиёратчилар ва меҳмонларни қабул қилиш, кўргазмалар ташкил этиш ҳамда Туркистоннинг бой тарихий-маданий меросини намойиш қилиш учун замонавий шароитлар яратилган. Марказда ўрта асрлар даврига оид ноёб меросни сақлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этишга қаратилган доимий музей экспозицияси — “Ноёб экспонатлар зали” алоҳида ўрин тутди.

Экспозицияда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси билан боғлиқ ноҳир тарихий ёдгорликлар, жумладан, XIV-XV асрларга мансуб осори атиқалар, ўрта асрлар мезморий ва амалий безак санъати ҳамда кулолчилик намуналари ўрин олган. Мақбаранинг асл эшиги, Хожа Аҳмад Яссавий қабри устидаги ёпинчиқ, Амир Темур томонидан ҳаё қилинган бронза шамдонлар, шунингдек, Туркистоннинг қадимий тарихини очиб берувчи археологик ва керамик топилмалар шулар жумласидан.

Бундай ёдгорликлар ва маданий лойиҳалар маънавий меросни асраб-авайлаш, тарихий хотирани мустаҳкамлаш, муштарак иддиалар, эътиқод ва аниқлик билан боғланган қардош халқларимизни янада яқинлаштиришда муҳим аҳамиятта эга экани таъкидланди.

Шу кунги давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилотининг “Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” мавзусидаги норасмий саммитида иштирок этди.

Ингилиш бошланишидан аввал етакчилар Туркий цивилизация маркази қурилишига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.

Қозоғистон ташаббуси билан барпо этиладиган ушбу мажмуа туркий халқларининг муштарак иддиалари, бой тарихий-маданий мероси ва цивилизациялар бирлигини намойиш этишга хизмат қилади. Лойиҳа туркий дунё мамлакатлари ўртасида илмий, маданий-гуманитар ҳамкорликни

кенгайтириш, маънавий яқинликни мустаҳкамлаш, умумий қадрият ва аниқликларни кенг тарғиб этишга қаратилган.

Шундан сўнг етакчилар Қозоғистоннинг рақамли ечимлари ҳамда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг IT ва сунъий интеллект соҳасидаги қўшма ташаббуслари тақдирот қилинди.

Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган саммитда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, ТДТ бош котиби Кубаничбек Омуралиев ҳам қатнашди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашилиб, кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва амалий шерикликнинг устувор йўналишлари атрофида муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари нутқининг аввалида Буюк ипак йўлининг муҳим савдо ва маданият маркази ҳисобланган Туркистон шаҳрида норасмий саммит юксак даражада ташкил этилгани учун Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевга ташаккур изҳор этди.

Шунингдек, ТДТдаги самарали раислиги ҳамда тузилманинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган сазой-ҳаракатлари учун Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевга миннатдорлик билдирди.

Туркий дунё интеграцияси қардош халқларимиз тақдирига бевосита дахлдор бўлган узоқ муаддатли стратегик масалага айланаётгани таъкидланди.

— Бугунги учрашувида жаҳонда турли зиддиятлар тобора авж олаётган даврга тўғри келмоқда. Халқаро муносабатларда

ишонч тақчиллиги янада кучайиб, глобал институтларнинг ўрни ва таъсири борган сари заифлашмоқда. Бу муаммолар биздан ўзаро мулоқотларни фаоллаштириб, муҳим масалалар бўйича уйғун позицияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти барқарор ривожланиш суръатларини намойиш этаётган нуфузли тузилмага айланди. Жумладан, 2025 йилда давлатларимиз умумий иқтисодий салоҳияти 2,4 триллион доллардан ошди ва унинг динамикаси глобал ўсишдан икки баробар юқори бўлди.

Ўтган йилнинг ўзида Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан савдо айланмаси 14 фоизга ўсди. Жорий йилдан Туркий инвестиция жамғармаси операция фаолиятини бошлади. Марказий банклар кенгаши, “Яшил” молиялаштириш бўйича Туркий кенгаши иши йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари олдинда кўп қиррали муносабатларга тизимли тус бериш бўйича долзарб вазифалар турганини қайд этди. Қолаверса, саммитнинг сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш мавзусига бағишлангани ҳам бежиз эмас.

— Ўлкаларимизда яшаб ижод қилган улуг боболаримиз — Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек алгоритм, математика, астрономия ва физика фанларини рақамли рақамли ҳисса қўшиб, шу тариқа хозирги сунъий интеллект ривожу учун асос яратганлар. Биз аждодларимизнинг ана шундай бебаҳо меросига таяниб, бугун Туркий дунёнинг янги рақамли тараққиёт даврини барпо этишимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз ўз нутқида ушбу йўналишда ҳамкорликни ривожлантириш учун бир қатор аниқ ташаббусларни илгари сурди.

Ўзбекистон раҳбари глобал технологик жараёнларни инобатга олган ҳолда ташкилот доирасида сунъий интеллект соҳасида стратегик ҳамкорлик тармоғини шакллантириш лозимлигини таъкидлади. Мазкур ташаббус квант ҳисоблаш технологиялари ва ягона рақамли маконини яратиш орқали иқтисодий ўсишнинг янги нуқталарини белгилашга хизмат қилади.

Шунингдек, минтақавий маълумотлар алмашинувини таъминловчи “Рақамли туркий коридор концепцияси”ни ишлаб чиқиш ва Тошкент шаҳрида ТДТ аъзо давлатларининг Технологиялар форумини ўтказиш таклиф этилди.

Илмий-маънавий меросни пухта ўрганиш ва тарғиб этиш учун Тошкент шаҳрида барпо этилган Ислон цивилизацияси маркази минтақавий йирик илмий-маърифий масканга айланган бўлмоқда. Шу кунларда мажмуада ТУРКСОЙнинг офиси очилди.

— Ушбу марказ ТУРКСОЙ ва Туркий академия билан тарихий-маданий манбаларимизни ягона “катта маълумотлар” платформасига жамласа, халқларимиз учун фойдаланиш бўлар эди, — деди давлатимиз раҳбари.

Саммитда Яссавий тариқатининг бағрикенглик ва маърифатпарварлик ғояларини ҳамкорликда чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш таклифи ҳам берилди.

Ёш авлодин замонавий касбларга тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури юқори баҳоланмоқда. Президентимиз ёшларнинг стартап лойиҳаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон ва Қозоғистон томонидан ташкил этилаётган Қўшма венчур жамғармасига аъзо давлатларни қўшилишга чорлади.

Юк ташиш жараёнларини соддалаштириш мақсадида аъзо давлатлар ўртасида “E-Permit” электрон рухсатномалар тизими

тўлиқ йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди. Стратегик аҳамиятта эга бўлган ўрта коридорни айна пайтда қурилатган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли билан боғлаш ҳамда боғхона маълумотлари алмашинувини тўлиқ рақамлаштириш бўйича амалий вазифалар белгилаб берилди.

Иқлим ўзгаришига қарши мувофиқлаштирилган ҳаракатларни ташкил этиш мақсадида 2027 йилни туркий дунёда “Табиятни асраш йили” деб эълон қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Шу билан бирга, сунъий йўлдош маълумотлари асосида ТДТ иқлим хатарларини мониторинг қилиб бориш тизимини яратиш ҳамда курғоқчиликни барвақт аниқлаш, трансферарий сув ресурсларини бошқариш жараёнига сунъий интеллектни татбиқ этиш зарурлиги қайд этилди.

Терроризм, экстремизм ва кибертаҳдидларга қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий ва технологик замин яратиш мақсадида Киберхавфсизлик ва рақамли инфратузилмани ҳимоя қилиш бўйича Туркий альянсини тузиш таклифи берилди.

Ўзбекистон етакчиси ўз нутқи якунида таъкидлаганидек, интеллектуал салоҳият ва бирлиқнинг уйғунлиги Туркий дунёни барқарор тараққиёт ва илгор ечимлар маконига айналтиради.

Саммит якунида Туркистон декларацияси қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА

ТДТ САММИТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ МИНТАҚАВИЙ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЮҚОРИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Хорижий экспертлар фикрича, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 15 май кунги Қозоғистонга амалий ташрифи ҳамда Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитидаги иштироки Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этиб, кўп қиррали ҳамкорлик ривожига улкан ҳисса қўшади.

“Сунъий интеллект ва рақамли ривожланиш” шоирни остида ўтказилган саммитда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди. Лидерлар эътиборида савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация ва экологик соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, рақамли инфратузилмани ривожлантириш, инновацион технологияларни жорий этиш ва сунъий интеллектдан амалий фойдаланиш масалалари бўлди.

Ингилиш дастурига мувофиқ, делегация раҳбарлари Туркистон шаҳрининг тарихий-маданий мероси билан танишиб, Марказий Осиёнинг энг буюк ислом меъморчилиги ёдгорликларидан бири бўлган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасини зиёрат қилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг Туркистон шаҳрида Ўзбекистон

томонидан барпо этилган масжидни зиёрат қилиш алоҳида аҳамият касб этди. Таъкидланганича, Қозоғистон халқига совға сифатида қурилган мазкур меъморий мажмуа икки давлат ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, маданий яқинлик, яхши қўшничилик ва иттифоқчилик муносабатларининг рамзига айланган.

Ислон ва Шарқ меъморчилиги аниқланиши асосида барпо этилган ушбу улкан мажмуа миллий меъморий элементлар ва замонавий муҳандислик ечимларини уйғунлаштириди. Зиёрат чоғида Куръон оятлари тиловат қилиниб, биродар халқлар тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги учун дуолар қилинди.

Саммит доирасида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоган билан икки томонлама учрашувлар ўтказди, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни

янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Президенти Туркий давлатлар ташкилоти норасмий саммитидаги нутқида Туркий дунёнинг янги рақамли тараққиёт даврини барпо этиш йўналишида ҳамкорликни ривожлантириш учун бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

Норасмий саммит якунлари бўйича Туркистон декларацияси қабул қилинди. Унда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир келишилган ёндашувлар, жумладан, рақамли трансформация, инновацион ривожланиш ва минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш масалалари ўз аксини топди.

Умуман олганда, Туркистонда бўлиб ўтган саммит туркий дунё мамлакатлари ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни тизимлаштиришда муҳим босқич бўлди.

Алена ПАВЛЕНКО, Озарбайжондаги “Trend.az” ахборот наشري журналисти, сиёсатшунос:



— Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) бугунги кунда энг нуфузли минтақавий бирлашмалардан бирига айланди. 2025 йил якунларига кўра, ТДТга аъзо ва кузатувчи давлатларнинг умумий ялли ички маҳсулоти 2,4 триллион доллардан ошди, товар айирбошлаш ҳажми эса 1,127 триллион долларга етди.

Бу борада Ўзбекистон ТДТ доирасидаги амалий интеграциянинг асосий ҳаракатланувчи кучларидан бири сифатида намойён бўлмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев изчил равишда иқтисодий ривожланиш, инфратузилма лойиҳалари ва ҳамкорликнинг аниқ натижаларига алоҳида урғу бериб келмоқда. Бу ташаббуслар мамлакатнинг ТДТ иқтисодий кун тартибини мувофиқлаштирувчи марказлардан бири сифатидаги ролини мустаҳкамламоқда.

Жумладан, Тошкент туркий давлатлар ўртасида Стратегик шериклик, абадий дўстлик ва биродарлик тўғрисидаги шартномани қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Шунингдек, ТДТнинг 2030 йилгача ривожланиш стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни

ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон туркий давлатларнинг Иқтисодий шериклик бўйича доимий кенгашини тузиш тарафдори бўлиб, унинг лойиҳа офисини Тошкентда жойлаштиришни таклиф қилмоқда.

Ўзбекистон ТДТ доирасида савдо, бизнес ва ўзаро инвестициялар учун қулай шарт-шароитларга эга янги иқтисодий имкониятлар маконини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Асосий ташаббуслар қаторида Туркий давлатлар санаот альянсини тузиш, “Туркий яшил йўлаклар” электрон тизимини жорий этиш, стратегик минерал-ҳомашё базасини ривожлантириш, шунингдек, “яшил” энергетика ва логистика соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш бор.

“Яшил” энергетика соҳасида Ўзбекистон иштирокидаги асосий лойиҳалардан бири — Марказий Осиё энергетика тизимларини Озарбайжон орқали Европа билан боғлашга қаратилган “Яшил энергетика коридори” дир.

Анъанавий энергетика соҳасида ҳам Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги ҳамкорлик изчил кучайиб бормоқда. Яқинда “BP” компанияси Ўзбекистоннинг Шимолий Устурут худудидидаги олтин блок битим (PSA)да иштирок этишини расман тасдиқлади. PSA бўйича келишув дастлаб 2025 йил 24 июнь кун SOCAR, “Ўзбекнефтегаз” ва Ўзбекистон Энергетика вазирлиги ўртасида имзоланган эди.

Лойиҳа амалга оширишнинг биринчи босқичида бўлиб, унда оператор сифатида SOCAR сейсмик-қидирув ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, SOCARнинг Ўзбекистондаги воқолатхонаси очилиши ҳам маълум қилинди.

Ўрта йўлак ва мультимодаль логистикани ривожлантириш ҳам алоҳида устувор йўналиш бўлиб қолмоқда. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлининг қурилиши ТДТ учун стратегик аҳамият касб этмоқда ва у Ўрта йўлак имкониятларини янада кенгайтириши кутилмоқда.

Ўзбекистон 600 миллион доллар капиталга эга Туркий инвестиция жамғармаси фаолиятини кенгайти-

Токон МАМИТОВ, Қирғизистон Миллий фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтини директори, сиёсий фанлар доктори, профессор:

— Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти минтақавий иқтисодий ривожланишнинг янги моделини шакллантириш ва кенг қўламли ислохотларни амалга оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Бу борада Ўзбекистон Президенти томонидан ТДТни ривожлантириш юзасидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон 2019 йилдан буён ТДТ истиқболли ривожланиши бўйича юздан ортқ амалий ташаббусини илгари сурди. Уларнинг учдан икки қисми аллақачон амалга оширилди — рақамли транспорт йўлақларидан тортиб, ягона “E-Permit” тизимига.

Бу шунақа статистика эмас, балки логистиканинг ҳақиқий соддалашуви, ўзаро савдо ҳажмининг қарийб 11 миллиард долларга етиши, бизнес ва фуқаролар учун аниқ лойиҳалар демдажир.

Асосий ютуқ — Туркий инвестиция жамғармасининг ташкил этилгани



(2023-2024 йиллар) бўлди. Ўзбекистоннинг фаол позициясиз бу лойиҳа, ўзаро савдо ҳажмининг қарийб 11 миллиард долларга етиши, бизнес ва фуқаролар учун аниқ лойиҳалар демдажир.

урашувлар нафақат навбатдаги дипломатик воқеа, балки туркий интеграция архитектурасининг муҳим бурилиш нуқтаси бўлди.

Туркий давлатлар ташкилоти ривожланиш мантиғи декларатив босқичдан амалий ҳамкорликка ўтаётганини кўрсатмоқда. Илгари асосий эътибор маданий ва гуманитар соҳаларга қаратилган бўлса, бугун иқтисодий интеграция, транспорт боғлиқлиги, рақамлаштириш ва технологик ривожланиш масалалари биринчи ўринга чиқмоқда. Саммит эришилган натижаларини мустаҳкамлабгина қолмай, балки минтақанинг глобал майдонда рақобатбардошлигини оширадиган янги ўсиш нуқталарини ҳам белгилаб берди.

Саммит ўтказилган жой — Туркистон шаҳри алоҳида эътиборга лойиқ. Бу шаҳар нафақат географик, балки бутун туркий дунё учун чуқур рамзий аҳамиятта эга. Туркистон тарихан маънавий марказ, интеллект улғайтириш ва маданий алмашинув маскани бўлиб келган. Саммитнинг айнан шу ерда ўтказилиши интеграция жараёнларининг узвий давомчилигини кўрсатади ва замонавий сиёсий-иқтисодий кун тартибини бой цивилизация мерос билан боғлайди. Шу тариқа, Туркистон фақат

Туркистон шаҳрида бўлиб ўтган саммит протокол жиҳатидан эмас, балки мазмун нуқтаи назаридан муҳимдир. Биз сунъий интеллект соҳаси, АТ-кадрлар тайёрлаш ва умумий технологик маконини шакллантириш бўйича амалий қарорларга ўтилишини кутмоқдамиз.

Шу билан бирга, ТДТ очик тузилмадир. Туркий ҳамкорлик бу — бошқа ҳамкорлик форматларини алмаштирмайдиган, балки уларни тўлдирувчи ихтиёрий ва прагматик шерикликдир.

Ўзбекистоннинг 2022 йилда бошланган раислиги якунларига келса, унинг асосий натижаси институционаллашув бўлди. Илк бор аниқ концепциялар ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, барча даражаларда юздан ортқ учрашув ўтказилди.

Тизимли ёндашув ТДТ фаолиятининг ўзига хос белгисига айланди. Туркистон саммитида Ўзбекистон бутун туркий дунёга қўшимча туртки берадиган янги аниқ таклифлар билан иштирок этди.

музокаралар майдони эмас, балки бирлик, тарихий хотира ва умумий келажак рамзига айланмоқда.

Интеграция жараёнларини жадаллаштиришда Ўзбекистоннинг ўрни алоҳида аҳамиятта эга. Мамлакатнинг ТДТ фаолиятидаги иштироки ҳамкорлик ривожига янги суръат берган энг муҳим омиллардан бири бўлди. Қисқа вақт ичда Ўзбекистон савдо, логистика, рақамли ечимлар ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кўп ташаббуслар билан фаол иштирок этмоқда. Бу эса мамлакатнинг интеграцион маконини шакллантиришга стратегик ёндашувини кўрсатади.

Айниқса, Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган рақамли транспорт йўлақлари, транзит инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда инновацион ва таълим соҳасидаги ташаббуслар аъзо давлатлар иқтисодиётларини яқинлаштиришнинг реал механизмларини шакллантирмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон раислиги даврида жорий этилган институционал янгилар ташкилот самарадорлигини ошириб, унга янада тизимли ва барқарор тус берди.

“Дунё” АА



ГЛОБАЛ УРБАНИЗАЦИЯ ЧАҚИРИҚЛАРИ: ИЖТИМОЙ ҲАЁТ, УЙ-ЖОЙ ВА ЭКОЛОГИЯ БЎЙИЧА ЕЧИМЛАР

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида БМТнинг жорий йил 17-22 май кунлари бўлиб ўтиши режалаштирилган 13-жаҳон шаҳарсозлик форуми (WUF13) "Бутун дунёни уй-жой билан таъминлаш: хавфсиз ва бардошли шаҳарлар ҳамда жамоалар" мавзусига бағишланган. Форум глобал уй-жой инқирози, иқлим хавфлари, инклюзив ва барқарор урбан ривожланиш бўйича ечимларни муҳокама қилиш учун асосий майдонлардан биридир. Унда дунёнинг 178 мамлакатидан 30 мингга яқин мутахассис иштирок этиши кутилмоқда.

Форумда қабул қилинадиган "Боку ҳаракат чакриғи" БМТ Бош котибининг 2026 йилдаги ҳисоботига асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса форумнинг нафақат мулоқот майдони, балки аниқ сиёсий мажбуриятлар шакллантириладиган платформа эканини ҳам аниқлатади.

Демография кўрсаткичлари

Бугунги кунда урбанизация дунёнинг энг йирик демографик жараёнидан биридир. БМТ маълумотларига кўра, 1950 йилда дунё аҳолисининг атиги 20 фоизи шаҳарларда яшagan бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 45 фоизга етган. Прогнозларга кўра, 2050 йилгача аҳоли ўсишининг учдан икки қисми шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади. Глобал ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғи айнан шаҳарларда ишлаб чиқарилмоқда.

Айниқса, ривожланаётган мамлакатларда урбанизация суръатлари юқори. 1985-2010 йилларда ўртача даромадли мамлакатларда шаҳар аҳолиси икки баробар, энг кам ривожланган давлатларда эса уч баравар кўпайди. Аҳолиси 10 миллиондан ортиқ бўлган шаҳарлар сони 1975 йилдаги 8 тадан 2025 йилда 33 тага етди. Уларнинг 19 таси Осиёда жойлашган. Урбанизация марказлари энди Африка ва Жанубий Осиё томон силжиб, бу минтақалардаги мегаполисларда аҳолининг йиллик ўсиш суръати 3 фоиздан юқори бўлмоқда.



Инсон фаровонлиги

Урбанизация жараёни нафақат демографик кўрсаткичларнинг ўзгариши, балки ижтимоий ҳаёт сифати яхшиланиши учун ҳам имкониятлар яратди. Шаҳарлар таълим, соғлиқни сақлаш, ичимлик сув, санитария, транспорт ва энергия таъминоти каби асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради. Уни тўғри бошқариш аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва ижтимоий хизматлардан кенг фойдаланиш имконини беради.

Бу жараён ижтимоий инклюзия ва барқарор ривожланиш учун имконият бўлиб, камбағаллик ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш, бандлик имкониятларини ошириш ва уй-жой шaroитларини яхшилашга хизмат қилади. Глобал урбанизация жараёнида гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларнинг имкониятларини рўйбга чиқаришга ҳам хизмат қилмоқда. Шаҳарларда аёллар учун таълим ва бандлик имкониятлари кенгайиб, уларнинг иқтисодий мустақиллиги ортиб бормоқда.

Аҳолининг шаҳарларга миграцияси ижтимоий аҳамиятга эга бўлса-да, демографик юкнинг ортиси билан боғлиқ ечимларни ҳам талаб қилмоқда. Тўғрилиш даражаси пайсаниш ва умр кўриш давомийлиги ортиси натижада аҳолининг қариш жараёни урбанизация билан боғлиқ муҳим тенденцияга айланмоқда.



Сухроб МАҲМУДОВ,
Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари

Жумладан, 1950 йилда дунё аҳолисининг 5 фоизи 65 ва ундан катта ёшлиларни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 10 фоизга етди. 2050 йилга бориб эса кескалар улуши 16 фоизга етиши прогноз қилинмоқда.

Ер ва таъминот муаммоси

Глобал уй-жой муаммоси кенг қўламда ижтимоий тенгсизликни акс эттирмоқда. Аксарият йирик шаҳарларда қурилиш ҳажми ошса-да, бюджет ва инфратузилма чекловлари туфайли етарли даражада уй-жой қуриш имконияти чекланиб қолмоқда.

Иқлим барқарорлиги

Урбанизация иқтисодий ўсиш учун кучли воқеа бўлса-да, у иқлим ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатишини инкор этиб бўлмайди. Глобал иссиқхона газларининг 70 фоиздан ортиғи шаҳарлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, иқлим ўзгариши туфайли юзага келаётган об-ҳаво ҳодисалари шаҳарлар, айниқса, норасмий уйларда яшовчиларни жиддий хавф остида қолдиришмоқда.

Норасмий турар жойларнинг катта қисми сув тошқинлари, кўчклар ва иссиқ хавфи юқори ҳудудларда жойлашган. Дунёдаги уй-жой ва иқлим инқирозлари бир-бири билан ҳамбардор бўлиб қолди. Мексикадаги сув тошқинларидан тортиб, Ҳиндистондаги рекорд даражадаги жазира-ма иссиқхона жараёнига бунга яққол мисол бўла олади.

Шунинг учун уй-жой сиёсатида иқлим хавфини ҳисобга олган барқарор ечимларни жорий этиш, шаҳарларни режалаштиришда энергия самарадорлигини ошириш, чиқиндиларни камайтириш ва "яшил" инфратузилмага алоҳида эътибор қаратиш муҳим талабга айланмоқда. Дунё мамлакатларининг юқори хавф даражасига эга ҳудудларда уй-жойлар қуришни чеклаш, мавжуд норасмий ҳудудларни модернизациялаш ва аҳолини қўриқчи стратегиясини ишлаб чиқишга устувор йўналишлар сифатида қаралмоқда.

Боку мулоқотининг аҳамияти

Бугунги кунда урбанизация жараёни дунё мамлакатлари олдига уй-жой таъминоти, ижтимоий тенглик, инфратузилма муаммоси ва иқлим барқарорлиги билан боғлиқ қийин масалаларни қўймоқда. Шу нуқтан назардан қараганда, "WUF13" глобал миқёсда урбанизация ва уй-жой масалаларини муҳокама қилиш бўйича энг муҳим платформалардан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

Форум доирасида уй-жойнинг инсон фаровонлиги, иқтисодий барқарорлик ва экологик хавфсизлик билан узвий боғлиқ ҳолда қўриб чиқиши урбанизацияга нисбатан янги ҳақиқат бўлиши шаклланиётганини аниқлатади. Айниқса, глобал уй-жой инқирози, норасмий аҳоли пунктларини трансформация қилиш, иқлимга чидамли шаҳарларни ривожлантириш ҳамда инклюзив молиялаштириш механизмларини кенгайтириш каби масалалар кун тартибига олиб чиқиши форумнинг амалий аҳамиятини янада оширади.

"WUF13" доирасида илгари сурилиши кутилётган ёндашувлар урбанизацияни фақат ҳудудий ёки демографик жараён эмас, балки инсон капитали, ижтимоий адолат ва барқарор ривожланиш омил сифатида баҳолаш зарурлигини намоён этади. Бу эса дунё мамлакатлари, жумладан, ривожланаётган давлатлар учун уй-жой сиёсатини такомиллаштириш, шаҳарлар инфратузилмасини модернизациялаш ва аҳоли турмуш сифатини ошириш бўйича муҳим тажриба ва халқаро ҳамкорлик имкониятини яратди. Шу жиҳатдан "WUF13"ни глобал урбанизация кун тартибидан шакллантирувчи ва келажак шаҳарларнинг барқарор ривожланиш йўналишларини белгиловчи муҳим халқаро тадбир дейиш мумкин.

Ушбу форум Ўзбекистон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда аҳолининг ўртача ўсиш тенденцияси йиллик икки фоизни ташкил этмоқда. Шунга мисол равишда қурилиш бозори жадал ривожланипти. Агар бу жараён илмий асосда режалаштирилмаса, инфратузилма, транспорт ва экология, ижтимоий тенгсизлик каби муаммолар пайдо бўлади.

Шу боис, 2017 йилдан бошлаб шаҳарларни комплекс ривожлантириш, урбанизация масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланиб, бу соҳага тизимли ва стратегик ёндашуш жорий этилди. Йўл қурилиши, жамоат транспорти, муҳандислик ва коммунал, коммуникациялар, сув ва иссиқлик таъминоти, электр тармоқларини модернизациялашга катта сармоя йўналтирилмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида улкан бунёдкорлик жараёни, шу жумладан, уй-жой қурилиши изчил давом этар экан, бизда ушбу йўналишдаги илгор ечимлар, янгида янги инновацион лойиҳаларга, бу борадаги миллий тажрибани халқаро майдонда тарғиб қилишга талаб бўлаверади. Шу маънода, Боку форуми дунё шаҳарсозлиги, хусусан, мамлакатимиз учун ҳам долзарб аҳамиятга эга.



Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг "Янги Ўзбекистон" газетасининг шу йил 12 майдаги сонидан чоп этилган "Риёсиз сўзлар" мақоласи кенг жамоатчилик эътиборини тортиди. Чунки унда кейинги йилларда Сурхондарёда юз бераётган ўзгаришларнинг ҳаётий ҳақиқати, инсонлар қалбидagi кайфият ва янгилинишларга самимий муносабат акс этган.

Дарҳақиқат, бундан 10-15 йил аввал вилоят иқтисодий имкониятлари чекланган, sanoat деярли ривожланмаган, аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, чорвачилик ва меҳнат миграцияси орқали кун кечирадиган ҳудуд сифатида тасаввур қилинган бўлса, бугун мулқаро бошқача манзарани кўриш мумкин.

Юртимиздаги кенг қўламда ислохотлар Сурхондарё ҳаётида ҳам туб бурилиш ясади. Давлатимиз раҳбарининг вилоятга амалий ташрифлари, ҳар бир туман ва шаҳар кесимида аҳолини қийнаётган муаммоларни чуқур ўрганиб, аниқ вазифалар белгилаб бергани воҳадаги янгиликларга жараёнларга кучли туртки бўлди.

Бугун вилоятда sanoat, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланмоқда. Кичик sanoat зоналари, янги ишлаб чиқариш корхоналари, энгил sanoat ва қурилиш материаллари бўйича йирик лойиҳалар аҳоли бандлигини таъминлашга муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, оилавий тадбиркорлик ва ёшлар бандлигини қўллаб-қувватлаш дастурлари минглаб инсонларга доимий даромад манбаи яратиб берди.

Вилоятнинг геоиқтисодий аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бугун Сурхондарё нафақат мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси, балки Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи муҳим транспорт ва логистика ҳудуди сифатида шаклланимоқда. Термиз халқаро



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

савдо маркази Сурхондарёнинг бу минтақаларни боғловчи муҳим иқтисодий кўприк сифатидаги аҳамиятини янада оширди.

Айниқса, инвестициявий муҳит яхшиланиши воҳа иқтисодиётида мулқаро янги босқични бошлаб берди. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун яратилган қўлай имкониятлар натижада Термиз шаҳри ва туман марказларида замонавий савдо комплекслари, бизнес марказлари, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш объектилари барпо этилмоқда. Бу эса нафақат иқтисодий фаолликни оширмоқда, балки аҳоли турмуш

савдо маркази Сурхондарёнинг бу минтақаларни боғловчи муҳим иқтисодий кўприк сифатидаги аҳамиятини янада оширди.

Айниқса, инвестициявий муҳит яхшиланиши воҳа иқтисодиётида мулқаро янги босқични бошлаб берди. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун яратилган қўлай имкониятлар натижада Термиз шаҳри ва туман марказларида замонавий савдо комплекслари, бизнес марказлари, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш объектилари барпо этилмоқда. Бу эса нафақат иқтисодий фаолликни оширмоқда, балки аҳоли турмуш

савдо маркази Сурхондарёнинг бу минтақаларни боғловчи муҳим иқтисодий кўприк сифатидаги аҳамиятини янада оширди.

Айниқса, инвестициявий муҳит яхшиланиши воҳа иқтисодиётида мулқаро янги босқични бошлаб берди. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун яратилган қўлай имкониятлар натижада Термиз шаҳри ва туман марказларида замонавий савдо комплекслари, бизнес марказлари, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш объектилари барпо этилмоқда. Бу эса нафақат иқтисодий фаолликни оширмоқда, балки аҳоли турмуш

савдо маркази Сурхондарёнинг бу минтақаларни боғловчи муҳим иқтисодий кўприк сифатидаги аҳамиятини янада оширди.

Айниқса, инвестициявий муҳит яхшиланиши воҳа иқтисодиётида мулқаро янги босқични бошлаб берди. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун яратилган қўлай имкониятлар натижада Термиз шаҳри ва туман марказларида замонавий савдо комплекслари, бизнес марказлари, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш объектилари барпо этилмоқда. Бу эса нафақат иқтисодий фаолликни оширмоқда, балки аҳоли турмуш



Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари

ошириляётган мислиси ўзгаришлар, ҳаётимизнинг ҳар соҳасидаги тезкор янгиликлар ва бунёдкорлик ишлари маҳорат, энг муҳими, чин ҳақиқат ва бор бўй-баста билан тасвирланган. Мамлакатимиз етакчисининг қўшни давлатлар билан илқ муносабатлар тикланиши, халқларимизнинг ўзаро борди-келдиси яна изга тушишидаги жасорати ва қатъияти дунё миқёсида айтишга муносиб воқеа.

Мақолани ўқиб давомидида йиллар бўйи тўғрилиб қолган муаммолар, жумладан, пластик қаргилар машаша-си, нақд пул масаласи, нафақа тўлови,

маданияти ва ҳаёт сифати юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида мулқаро янги ёндашувлар жорий этилди. Ер муносабатлари либераллашуви, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, кластер тизими ривожланиши фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширди. Маҳсулот етиштириш ҳажми ортиб, экспорт географияси кенгайимокда.

2025 йилда вилоятнинг экспорт ҳажми 2024 йилдагига нисбатан 86,2 фоиз ўсди. Импорт ҳажми эса 283,4 миллион долларга етди. Шунингдек, йил давомида 4752 та янги кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони эса 20 минг 753 тага етгани иқтисодий фаоллик ва тадбиркорлик муҳити тобора кенгайиб бораётганидан далалатдир.

Янги мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиникалар қурилиши, чекка ҳудудларда тиббий хизмат сифати яхшиланиши аҳолига катта қулайлик яратди. Мактабга таълим билан қамров даражасининг 28 фоиздан 68 фоизгача ошгани, 23 та янги мактаб қурилиб, юзлаб таълим муассасалари таъмирлангани амалий ислохотлар натижасидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ва ўз ўрнида Сурхондарё фарзанди сифатида таъкидламоқчиманки, бугун Сурхондарёда кечаётган янгиликлар статистика ёки рақамларда эмас, аввало, инсонлар кайфияти ва турмуш тарзида намоён бўлмоқда. Илгари ечимини қутиб, йиллаб тўғрилиб қолган масалалар — аҳоли бандлиги, ичимлик сув, йўл, электр таъминоти, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар босқичма-босқич ҳал этиляётгани одамларнинг давлат сиёсатида ишончини мустаҳкамламоқда.

Чекка ҳудудларда жадал кечаётган қурилиш, ободонлаштириш ва тадбиркорлик муҳитидаги ўзгаришлар, бугунги ислохотларнинг амалий натижасини барча воҳаликлар ўз ҳаётида сезмоқда. Жойларда сайловчилар билан учрашувлар, мулоқотлар ва муурожаатлар таҳлили кўрсатмоқдаки, одамларда эртанги кунга ишонч, ўз фарзандлари келажакга дахлдорлик ҳисси ва юрт тақдирига масъулият туғиси тобора кучайиб бормоқда.

Бугун Сурхондарёда фақатгина бино ёки йўллар эмас, инсонлар дунёқараши ҳам ўзгармоқда. Воҳадаги бу ўзгаришлардан баландрароз гаплар эмас, балки ҳаёт ҳақиқати — риёсиз сўзлардир.

Дарҳақиқат, бугун Сурхондарё янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг амалий натижаси, инсон қадрини улуғлаш сиёсати ва халқ фаровонлигини таъминлаш йўлидаги савий-ҳаракатларнинг ёрқин намунасига айланмоқда.



ЭЛ-ЮРТ, ВАТАНГА САДОҚАТ ҚАНОТИДАГИ ЖАСОРАТ

"Янги Ўзбекистон" газетасида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг "Риёсиз сўзлар" мақоласини зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. У мамлакатимизнинг деярли барча оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда кенг улашилгани бежиз эмас. Мақола мен каби кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Айни пайтда яқин ўтмишимиздаги оғир давлар ва бугунги нурафшон кунларимизни солиштириш, амалга ошириляётган улкан ўзгаришлар ортидаги матонатли меҳнат ва қийоийлик ҳақида тафаккур қилишга ундайди.

Бугуннинг муҳим ҳақиқатларини кўрсатиб берувчи ушбу публицистик асарда, аввало, инсон қадрини улуғлашга қаратилган улкан савий-ҳаракатлар, Президентимиз раҳбарлигидаги кенг қўламда ислохотлар мазмун-моҳияти аниқ мисолларда таҳлил қилинган.

Юртимизда, хусусан, қўшни уч давлат билан чегарадош Сурхондарё вилоятида шиддат билан амалга



Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари

ошириляётган мислиси ўзгаришлар, ҳаётимизнинг ҳар соҳасидаги тезкор янгиликлар ва бунёдкорлик ишлари маҳорат, энг муҳими, чин ҳақиқат ва бор бўй-баста билан тасвирланган. Мамлакатимиз етакчисининг қўшни давлатлар билан илқ муносабатлар тикланиши, халқларимизнинг ўзаро борди-келдиси яна изга тушишидаги жасорати ва қатъияти дунё миқёсида айтишга муносиб воқеа.

Мақолани ўқиб давомидида йиллар бўйи тўғрилиб қолган муаммолар, жумладан, пластик қаргилар машаша-си, нақд пул масаласи, нафақа тўлови,

шунингдек, вилоятдаги амалдорларнинг бошқа ноҳақликлари беҳтиёр қайта ёдимга тушиди. Уша оғир манзараларни афсус ва ачиниш билан хаёлдан ўтказдим. Айни пайтда ўша ҳолатлардан оsonлик билан эмас, жасоратли савий-ҳаракатлар, гап ва амал билгирли билан чиқиб кетганимиз, бугунги ютуқларимиз минтақамиздагина эмас, халқаро миқёсда ҳам эътироф этиляётгани кишини чуқур мушоҳадага чорлайди.

Бугунги қишлоқларимиз манзараси, турмуш шароити ҳам шаҳарнинг қолдиқларидан қолдиқларидир. Ислохотлар самарасини юртдошларимиз, воҳадоларимиз тeран аниқлаётганини уларнинг ушбу эзгу ўзгаришларда фаол иштирок этишга интиляётганидан ҳам ҳис этиш, сезиш мумкин.

Маънавий-маърифий тадбирлар сабаб Сурхон воҳасидаги қишлоқ ва шаҳарлар билан бирга бошқа вилоятларнинг чекка ҳудудларига кириб бoрарканмиз, инфратузилмани ривожлантиришга эътибор кучайгани, аҳоли онгу тафаккуринда бунёдкорлик гоилари жўш ураётганини ҳис этиб қувонамиз.

Мақола муаллифининг ҳақиқатга, бирдамликка йўғрилган сўзлари жамиятимизнинг маънавий кўзгуси бўлиб, барчамизни янада тотувликка, эл-юрт фаровонлиги учун фидокорона меҳнат қилиш, тинчликни асраш йўлида қатъий бел бошлашга руҳлантиради. Зеро, ҳар бир халқнинг қудрати унинг бирдамлиги ва Ватанига садоқатида ёрқин намоён бўлади.

Президент мактаблари қисқа муддатда халқимиз, ота-оналар ва ўқувчиларнинг ишончи ҳамда эътирофига сазовор бўлиб улгурди.

“Инсоннинг эртанги куни бугун нимани ўйлаётгани ва нима қилаётгани асосида курилади”, деган эди улуғ аллома Абу Нафр Форобий. Ҳа, келажак тасодиф, омад ёки ихтак билан яратилмайди. У илғор ва эзгу фикрлар ҳамда уларни амалга ошириш йўлидаги интилишлар махсули ўлароқ бунёд этилади. Шу маънода, барча соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ислохотлар бевосита билим билан боғлиқ.

Таълимга эътибор, билим олишнинг имкониятлари, шахсни баркамол этиб тарбиялаш — буларнинг барчаси мамлакат тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилиши кундек равшан. Ўқитиш сифатини ошириш усуллари, самарали дастурлар яратиш ва амалда қўллашга оид ишлар тизимли тус олганининг боиси ҳам шунда, аслида. Билим олиш, малака ва шахс ривожланишининг дастлабки босқичи асоси эса мактаб таълимидир.

Умумтаълим мактабларини битириш тантанаси каби уларга қабул қилиш ҳам ўзига хос ҳаяжонли ва масъулиятли жараён. Президент мактабларига 2026/2027 ўқув


йили учун ҳужжатлар қабули 25 майдан 14 июнга қадар амалга оширилади.

Юртимизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат таълим муассасалари, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Бироқ яқин йилларда ташкил топгани учунми, Президент мактаблари тўғрисида кўпчилик тузукроқ тасаввур ва тушунчага эга эмас. Айримларда мактабнинг мақоми, нуфузи, аввало, номланиши билан боғлиқ деган янглиш тасаввур мавжуд. Аслида, шу каби бир ёқлама қарашларга мазкур таълим муассасаларида билим олаётган ўқувчилар эришаётган натижалар энг муносиб жавоб.



Иқтидорли ёшлар — мамлакат келажаги

ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБЛАРИ ИЛҒОР ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ЯГОНА КОМПЛЕКС ТИЗИМИ



Рустам БОЙТЎРА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Юксак мақсад муқаддимаси

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди республикамизнинг барча ҳудудларидаги иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етуқ, интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш кўзда тутилган. Қарор ижроси доирасида юртимизнинг барча ҳудудларида босқичма-босқич шундай типдаги мактаблар ташкил этилди. Ҳозир Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Нукус, Нурафшон, Самарқанд, Фарғона, Хива, Термиз ва Тошкентда — жами 14 та Президент мактаби фаолият юритиб келади.

Ҳўш, бу таълим муассасаларининг бошқа мактаблардан фарқи, айтилмай, афзаллиги нима-лардан иборат? Албатта, Президент мактаблари биргина эзгу истак, қарор, стандарт ўқув дастури асосида ташкил этилмаган. Қатор нуфузли ташкилотлар, хусусан, Халқаро мактаблар кенгаши, “Pearson Edexcel” ташкилотининг аккредитациясида муваффақиятли бўлиб, халқаро мактаб мақомига эришган. Ўндан ташқари, SAT (академик баҳолаш тести) халқаро сертификати ҳамда Cambridge ва “Pearson Edexcel”нинг IGCSE, AS ва A Level имтиҳонларини ўтказадиган расмий марказларга айлантирилган.

Президент мактаблари давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилиб, унга қабул 4-синфни аъло баҳолашга битирган ўқувчиларнинг онлайн ариза топшириши билан бошланади. Сўнг икки босқичда ўтказиладиган имтиҳон натижаларига кўра энг билимдонлар саралаб олинади. Кириш

имтиҳонлари натижасини Кембриж университети мутахассислари текшириб баҳолайди. Кейинчалик ўқишга қабул қилинганлар айни тармоқ дастури асосида ўқитилади. Хусусан, табиий ва аниқ фанларни чуқур ўргатиш, хорижий тиллар, муҳандислик ва ахборот технологияларини ўзлаштириш, ўқувчиларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини ривожлантириш устувор ва зифа этиб белгиланган.

Дарсликларга тегишли фан бўйича муҳим маълумотлар тўплами сифатида қараш мўлақот нотўғри. Мактабларда дарсликлар тизимлаштирилган билимлар манбаи бўлиб, давлат стандартларига мос келиши керак. Улар ўқувчиларнинг ёши инобатга олинган ҳолда ва мустақил, танқидий-таҳлилий фикрлашга қўмақлашадиган, ривожлантирадиган шакл ва мазмунда тайёрланиши лозим.

— Президент мактаблари дарсликлари илғор халқаро таъриба (Cambridge Assessment) асосида, STEAM ёндашувини қўллаган ҳолда мутахассислар томонидан ишлаб чиқилади. Улар танқидий фикрлаш, инглиз тилида таълим ва амалий кўникмаларга асосланиб, узлуксиз таълим дастури доирасида янгилашиб боради, — дейди Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг дарсликлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Сулаймон Назаров. — Дарслик тайёрлашнинг қатор хусусиятлари мавжуд. Жумладан, халқаро дастурлар, асосан, Кембриж таълим дастури асосида тайёрланади. STEAM ёндашуви деганда, дарсликларнинг фанларни интеграциялашган ҳолда ўргатишга қаратилгани тушунилади. Бу орқали мантқиқ ва танқидий фикрлаш тарзи ривожлантирилади.

Айни жиҳатдан ўқитувчиларнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида. Улар илғор технологияларни амалиётга татбиқ этиб, таълимни модернизациялаш вазибаларига мос ҳолда ҳар бир ўқувчининг ички имкониятларини ишга солади.

— Оқддий умумтаълим мактабларидан тортиб, барча типдаги таълим муассасаларида педагоглар ва дарсликлар мавзуси чамбарчас аҳамиятга эга. Президент мактабларида таълим икки асосий ўқув дастури асосида олиб борилади: биринчиси — халқаро Кембриж ўқув дастури, иккинчиси — миллий ўқув дастури. Кембриж дастури асосида ўқитиладиган фанлар учун дарслик ва ўқув материаллари тўғривдан-тўғри Cambridge University Press томонидан таъминланади. Бу



материаллар халқаро академик стандартларга жавоб беради ва ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш, таҳлил ҳамда мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган. Миллий ўқув дастури асосида ўқитиладиган фанлар учун дарсликлар эса давлат томонидан тасдиқланган ва тақдим этилган ўқув адабиётлари асосида ташкил этилади, — дейди Тошкент шаҳридаги Президент мактаби ижрочи директори вазифасини бажарувчи Хуморой Аширова. — Айни пайтда мактабимизда 38 педагог фаолият юритмоқда. Улардан 27 нафари маҳаллий, 11 нафари хорижий мутахассислар. Хорижлик муаллимлар турли мамлакатлардаги илғор таълим таърибасини мактабимизга олиб кириб, халқаро академик муҳитни шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бу тарихий миллий қадриятлар ва глобал таълим таърибасининг мувозанатли уйғунлигини таъминлайди.

Ҳозир Президент мактаблари Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимига киритилган. Тизим таълим мазмуни, бошқарув шакли, халқаро дастурлар интеграцияси ва ўқув муҳитининг комплекс равишида ишлаб чиқилгани билан ўзига хос ва ноёб.

Агентлик маълумотларига кўра, дунёда Президент мактабларига муайян даражада ўхшаш моделда фаолият юритувчи таълим муассасалари бор. Улар иқтидорли ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиши, давлат томонидан молиялаштирилиши, замонавий лабораториялар ва кучли STEAM йўналишига эгаллиги ҳамда халқаро университетларга тайёрлаш имкониятлари билан ажралиб туради. Бундай мактабларда таълим илмий тадқиқот, инновация ва мустақил фикрлашнинг ривожлантиришга қаратилган. Жумладан, Туркиянинг Fen Liseleri, Жанубий Кореянинг Science High Schools, Сингапурнинг NUS High School of Mathematics and Science, Қозоғистоннинг Nazarbayev Intellectual Schools ҳамда Бирлашган Араб Амирикларидаги Applied Technology Schools мактаблари ана шундай юқори мақомдаги таълим муассасалари. Бошқа давлатлардаги нуфузли мактаблар айрим жиҳатлари билан биз сўз юритаётган таълим даргоҳларига ўхшаш бўлса-да, тўлигича бир хил эмас, яъни Президент мактаблари каби бирча йўналишларни қамраб олган ягона комплекс тизим эмас.



Мақомга муносиб натижалар

Президент мактабларининг Халқаро мактаблар кенгашига аъзо бўлиши таълим муассасасининг халқаро даражада тан олингандан дарак. Бу ушбу типдаги мактабда тахсил олаётган ўқувчиларнинг чет элдаги нуфузли университетларга ўқиш учун грант ютиш имкониятини янада оширади. Фикримизнинг исботи ўлароқ, хорижий университетларга ўқишга тўлиқ грант асосида қабул қилинаётган ёшлар сафи йил сайин ортиб бораётганини кўрсатиш мумкин. Мисол учун, 2023 йилда Наманган шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси дунё рейтингига 4-ўринда турадиган Гарвард университетига, 2024 йилда Тошкент шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Гарвард ва Принстон университетларига 100 фоизлик грант асосида ўқишга қабул қилинди. 2025 йилда Гулистон шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Чикаго университетига, Нукус шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси эса Печак лигасига кирувчи Браун университетига грант ютиб олди.

Жорий ўқув йилида ҳам Фарғона шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Дилафруз Собирова Гарвард университетига 100 фоизлик грант асосида таълим олиш имкониятига эга бўлди. Бу каби ютуқлар йилдан йилга ортиб бормоқда. Улар кўпчилик ва бундай интилиш мунтазам давом этмоқда.

Шунингдек, Тошкентдаги Президент мактаби “Zayed Sustainability Prize” мукофотининг “Глобал ўрта мактаблар” номинациясида голиб бўлди. Ушбу мактабнинг икки ўқувчиси Паҳлавон Ғуломов ва Асилбек Ашрапов ҳамда уларнинг устози Соҳибжон Азизовнинг ёмғир суви ни ичишга яроқли даражада қайта ишлаш бўйича лойиҳаси биринчи ўринга муносиб қўрилди. Танловга 156 давлатдан жами 5980 та ариза келиб тушганини эътиборга олсак, бу ютуқ залвори анча баланд эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Президент мактаблари қисқа муддатда халқимиз, ота-оналар ва ўқувчиларнинг ишончи ҳамда эътирофига сазовор бўлиб улгурди. Яратилган имкониятлар ва эришилаётган ютуқлар эса уларда ўқишга талабгорлар сони йил сайин ошишига сабаб бўляпти. Биргина Тошкент шаҳридаги Президент мактаби мисолида айтсак, ўтган йилги қабул натижаларига кўра, битта ўрин учун 108 номзод ҳужжат топширган. Бу эса танлов жуда юқори даражада экани ва жамоатчилик ишончи йилдан йилга мустаҳкамланаётганини кўрсатади.

ЗАМОНАВИЙ ДАСТУР ВАҚТНИ ТЕЖАБ, АНИҚЛИКНИ ОШИРЯПТИ

Ҳар қандай қулайлик, янги ғоялар кийинчиликларга ечим сифатида дунёга келади. Америкалик таниқли актриса Жессика Алба ҳам болалигидан аллергия касалликлардан азият чеккани боис, ўзининг кимёвий моддалардан холи, экологик тоза махсулотлар ишлаб чиқарувчи компаниясига асос солган. Айтмоқчи бўлганимиз — инсон ҳаётига, соғлиққа дахлдор муаммоларни енгиллаштирадиган лойиҳалар амалиётга тез татбиқ этилади. Зеро, дарднинг яхши-ёмоний йўқ.

Оқддий деб биладиганимиз — аллергия, кундалик бош оғриғининг ҳам олдини олма-сак, оғир асоратларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бугунги кунда касалликларни барвақт аниқлаш усуллари устида кўп-кўп иш-лашлар қилиняпти.

Олий таълим, фан ва инновациялар ва-зирлиги томонидан республикамиз миқёсида ўтказиб келинаётган Олима аёллар форуми доирасида ўтган йили ошқозон саратонини барвақт аниқловчи лойиҳа 710 миллион сўмлик грантга лойиқ кўрилган. Бугун у инновацион ечимга айланди. Зеро, лойиҳага йўналтирилган маблаг тиббий таҳлил жараё-нини янги босқичга олиб чиқишга, эрта тах-сис қўйиш имкониятларини қариб 20 фоиз оширишга хизмат қила бошлади. У орқали ошқозоннинг эндоскопик саратонлари чуқур таҳлил қилиниб, нафақат таърибга хос ўз-гаришлар, балки бошқа патологик ҳолатлар ҳам аниқланади. Тизим инсон кўзи ил-га-майдагидан майда деталларни ажратиш кўрсата олиши билан аҳамиятли.

Дунё миқёсида ошқозон саратони тарқа-лиши ва ўлим даражаси бўйича 5-ўринда, Ўзбекистонда эса 2-ўринда туради. Ушбу

У орқали эндиликда ошқозон саратонининг эртароқ олдини олиш мумкин



Инновацион ёндашувлар

касалик бир кунда ёки тўсатдан пайдо бўл-майди. У узок вақт давом этадиган касаллик-лар ва омилар натижасида босқичма-босқич ривожланади. Сурункали гастрит (ошқозон ялиғланиши) ошқозон ярасига айланади, ошқозон шиллик қавапти ингичкалаша бош-лаганидан сўнг ҳужайралар назоратсиз тарз-да кўпайиб, ўсма ҳосил қилади. Лойиҳа шу маънода ҳам муҳим саналиб, саратонни эрта аниқлаш ва тиббиётда сунъий интелектдан кенг қамровли фойдаланиш борасидаги ва-зифаларга айнан мос. Асосий мақсад — та-свирларга рақами ишлов бериш, эндоскопик видеоасвирларда ошқозон яралари ва сара-тонини аниқлаш учун чуқур нейрон тармоқ

моделли, алгоритмлари ва дастурий воситаси-ни ишлаб чиқиш орқали гастроэнтерология-да ташхислаш сифатини ошириш. Соддароқ айтадиган бўлсак, дастур ошқозон яралари ва саратонни таниб олиш ва аниқлаш сифатини оширишга ҳамда шифокор томонидан ўт-казиб юборилиши мумкин бўлган ҳолатларни камайтиришга хизмат қилади.

— Дастурни ишлаб чиқиш гоёяси гастроэн-терологлар фаолиятида кўпроқ учрайдиган ки-йинчиликлар, хусусан, аниқ ташхис қўйиш би-лан боғлиқ муаммолар сабаб туғилди, — дейди лойиҳа раҳбари Камола Абдурашидова. — Ло-йиҳамиз доирасидаги дастурни шу йил март ойида яқунга етказдик ва яхши натижалар

олдик. Айни пайтда у шифокорларга ошқозон-ичак касалликларини аниқлашда ёрдам бера-пти. Ҳозирга тахминан юздан ортиқ беморда қўлланилди. Анъанавий усулдаги ташхис вақти 20-30 дақиқа бўлса, дастур билан 5-7 дақиқада ташхис қўйишга эришиляпти.

Тўғри, дастур шифокорнинг ўрнини бо-со-майди, бироқ ўша мутахассисга тезкор ва аниқ қарор қабул қилишда ёрдамчи ҳисобла-нади.

Лойиҳа устида шифокор, кичик ва катта илмий ходимлардан иборат ўнга яқин аёл бир жамоа бўлиб ишлади. Бу назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаб, дастурнинг ишонч-лигини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди. Лойиҳа раҳбари доцент Камола Абду-рашидова Буюк Британиянинг Ольстер уни-верситетида тиббиётда сунъий интелектдан фойдаланиш борасидаги ишлар билан ҳам танишди. Тошкент ахборот технологиялари университетида илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи сифатида ишлаб келаётган қаҳрамонимиз илмий тадқиқот би-лан шугулланиш баробарида олийоҳингнинг компьютер тизимлари кафедрасида дарс бера-ди. Шунинг учун унга чет элдаги университет-да ошқозон саратонини аниқлашдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар юза-сидан маъруза ўқиш қийин кечмади. Олима, шунингдек, Ольстер университети билан PhD дастурлари бўйича грантлар олиш, Computer Science, Game Development йўналишларида қўшма таълим дастурларини ташкил этиш каби ишлар юзасидан музокаралар ўтказди.

Яқинда ҳамкорлар ҳам Тошкент ахборот технологиялари университетига ташриф



бунорди. Илмий тадқиқотлар юзасидан фикр ва таъриба алмашилиб, қўшимча келишувлар-га эришилди. Ажабмаски, бу ҳамкорлик яқин келажакда яна кўп-кўп касалликларни барвақт аниқлаш борасидаги дастурларга хизмат қилса.

Тошкент ахборот технологиялари уни-верситетида олима аёллар сафи тобора кенгайиб борапти. Биргина Олима аёллар форумида олийоҳинг 4 олима аёли лойиҳалари учун грант ютиб олгани бунинг исботи. Кўкрак бе-зи саратонини сунъий интелект ёрдами-да барвақт аниқловчи дастур ҳам айнан шу олийоҳ олимаси бошчилигидаги хайрли иш-лардан бири бўлганди.

Ошқозон саратонини барвақт аниқлаш борасидаги лойиҳа иштирокида биринчи Сайёра Искандарованинг айтишича, ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзининг илмий иш йў-налишига эга бўлиши керак. Бунинг учун бу-гун барча шароитлар мавжуд. Илм-фан билан шугулланаётган аёллар алоҳида қўллаб-қув-ватланыпти. Шундай имкониятлар даврида у яхши бир дастурни яратишга тақлиф этилган-дир миннатдор.

— Мазкур лойиҳа билан кўп-кўп ижо-рий натижаларга эришдик, — дейди Сайёра

Искандарова. — Шифокор беморни текши-раётган вақтда зонди икки-уч марта юти-ришига, ўша видеоасвирни қайта-қайта кўришга мажбур бўлади. Дастуримиз эса видеотасвирларни компьютерга ёзиб, уларни ўзи таҳлил қилиб беради. Бу шифокорнинг ҳам, беморнинг ҳам вақтини олмайди. Агар шифокор ёш, таърибасизроқ бўлса ёки чар-чаган ҳолатида ҳам сунъий интелект модел-лари ишонч хато қилишига йўл қўймайди.

Лойиҳа етакчиси эса дастурнинг энг аҳа-миятга молик жиҳати тизимнинг ўз-ўзини ривожлантириш имконияти борлигидея дея баҳолади. Аслида ҳам бу энг муҳим жиҳат. Дастурдан қанча кўп фойдаланилса, у шун-чалик тақомиллашиб, ривожланиб боради. Эндоскопдан олинган тасвирлар қанча кўп юкланса, сунъий интелект ўзини ўзи ўқи-тиб, ташхис қўйиш аниқлигини 100 фоизгача ошириши мумкин.

— Касалликнинг бошланғич ҳолатларда аниқланиши унга олдинроқ даво чоралари кўрилиб, кейинги оғир ҳолатларга ўтмасли-гини таъминлайди, — дейди суҳбат сўнгида Камола Абдурашидова. — Бундай имконият-нинг борлиги ҳам бир бахт, аслида. Хайрли ишларга сабаби бўлиш бизга жуда катта масъулият беради. Соғайиб кетиши аниқ бўл-ган беморлар билан биз ҳам бахтни бирдек ҳис қиламиз. Зеро, ҳар қандай лойиҳа ишти-роқчилари учун энг муҳим натижа техноло-гия эмас, инсон ҳаёти. Биргина беморнинг соғлигини асрашга хизмат қилган лойиҳа ҳам муаллифлар учун катта ютуқ ҳисобланади.

Эзгу ниятда жамланган битта жамоанинг меҳнати билан юзлаб, минглаб инсонлар соғ-лиги тикланар экан, бундай жамоалар кун сайин кўпайиши керак. Уларга ҳар қанча грантлар ажратилса, меҳнатлари ҳар қанча эъзозланса кам. Интеллектуал салохиятли аёлларимиз кўпаяверсин. Ажабмас, қизларни мизни ўқитиш орқали жамиятга қандай фой-да келтиришиши мумкинлигини улар тимсо-лида янада теранроқ англаб бурсак.


Муножат МҶМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири



“Сеҳрли Чапақай” фильми

ШОНЛИ ҒАЛАБАЛАРГА ЧОРЛОВЧИ АСАР

Куни кеча пойтахтимиздаги “Ренессанс” кино уйида ўзбек кино санъати ва спорти уйғунлиги сифатида баҳоланаётган лойиҳа — “Сеҳрли Чапақай” бадий фильми премьераси ўзгача шуқух, кўтаринки руҳда ўтди.



Тақдимот

Ушбу тақдимотни шунчаки оддий маданий воқеликлардан бири деб баҳолаш камлик қилади. Зотан, буни сўнги йилларда юртимизда ёшлар камолоти ҳамда спорт равнақи йўлида қилинаётган тизимли ислохотларнинг ўзига хос бадий инъикоси десам, тўғри бўлади.

Кинематография агентлиги, ОАВ учун контент тайёрлаш маркази, Республика Маънавият ва маърифат маркази, ЎФА ҳамда “Youg Films entertainment” ҳамкорлигида яратилган мазкур киноасар томошабинлар эътиборига оддий спорт хроникаси эмас, инсон иродаси, матонати ва миллий қадриятларимиз мадҳи сифатида тақдим этилди.

Янги Ўзбекистоннинг бутунги қиёфасига назар ташлар эканмиз, спортга муносабат, эътибор мутлақо янги, сифат жиҳатидан юксак босқичга кўтарилганга гувоҳ бўламиз. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари суртилган беш муҳим ташаббус, шунингдек, соҳага оид қатор фармон ва қарорларнинг амалий намунаси аллақачон медаларини бермоқда. Жумладан, футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати йўланмасини қўлга киритиши фақатгина спортдаги улкан ютуқ эмас, бутун халқимиз қалбига чексиз гурур ва ифтихор олиб кирган чинакам тарихий ғалаба бўлди. Тан олиш керак, бундай юксак натижалар замирида спорт инфратузилмасини тубдан янгилаш, энг чека кишлоқларда ҳам истеъдодли ёшларни кашф этиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги тинимсиз, заҳматли меҳнат ётибди. “Сеҳрли Чапақай” фильми худди шундай соғлом муҳитда камол топган, юксак орузлари сари тинмай талпинаётган ўғлонлар ҳаётини ёрқин бадий бўёқларда очиб берувчи маънавий манба бўлди.

Фильм сюжети Қашқадарё воҳисининг бетақдор, сўлим манзаралари фониде кечади. Асарда ёритилган ота ва бола ўртасидаги муносабатлар жамиятимизнинг муқаддас бўғини бўлмиш оила институтини

йўли ҳар бир ёш томошабин учун ўзига хос ибрат мактаби вазиғасини ўтайди. Шуниси эътиборга моликки, картинанинг туб моҳиятида ҳалоллик ва адолат тамойиллари бош ғоя сифатида қизил чиқиқ бўлиб ўтган. Асарнинг ҳар бир кадрда ҳақиқий ғалабага фақат пок ният ва машаққатли меҳнат орқалигина эришиш мумкинлиги таъкидланади.

Биз кўзлаётган марралар Олимпиада чўққилари жаҳон ареналари шоҳсупалари экан, спортчиларимиз маънавий озуқа, руҳий қувват берувчи асарларга доимо эҳтиёж сезади. Зеро, чинакам санъат инсоннинг ички салоҳиятини уйғотиш, уни буюк мақсадлар сари руҳлантиришда энг таъсирчан куч ҳисобланади. “Сеҳрли Чапақай” лойиҳаси эса теран тарбиявий аҳамияти билан ёш авлоднинг ватанпарварликка, қатъият ва соғлом турмуш тарзига чорловчи ҳаётий дастурий-амал бўла олиши шубҳасиз.

Фильмда мардлик, метин ирода ва фарзанди келажаги йўлида асло толмайдиган ота образи орқали бутунги жамиятимиздаги муносиб оила бошлиги, талабчан ва меҳрибон устоз тимсоли ишонари гавдалантирилган. Аини қаҳрамон тимсолидаги сабр-тоқат, ўз ҳаётий тамойилларига қатъий садоқат — бутунги мураккаб даврда ҳар қайси соҳа вакили учун сув ва ҳаводек зарур сифатлар. Аиниқса, спортдаги аччиқ мағлубиятлар, кетма-кет қутилмаган умидсизликлар қаршисиде синмай, аксинча, қайта оёққа туртиш фалсафаси асарнинг драматик чўққиси сифатида ишланган. Бу жараён томошабин қалбига ҳаётийнинг ҳар қандай оғир синови ўткинчи эканини, энг муҳими, танланган мақсад сари доимо қатъий ишонч ва ёруғ умид билан қадам ташлаш лозимлигини чуқур синдиради.

Миллий кинематографиямиздаги бу каби лойиҳалар халқимизнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга. “Сеҳрли Чапақай” бадий фильми эса футбол ёҳуд умуман, спорт май-



Ҳаким Йўлдошев олган суратлар.

юксак даражада улуғлайди. Бош қаҳрамоннинг майдондаги шиддатли курашлари фақатгина рақибини енгишдан иборат эмас. Бу, аввало, ҳаёт қийинчиликлари, қутилмаган зарбалару руҳий тушқунлиқни енгиб ўтиш йўлидаги матонат силсиласи.

Отасининг қўллови, онасининг дуоларидан руҳий қувват олган ҳаваскор футболчи йигитнинг тақдир

донларидеги курашлар ҳақидаги таъсирчан ҳикоя, бутун бир миллат иродаси, ғалаба сари тинмай интилувчи энгишмас ўзбек руҳининг чинакам тараннуми бўлди дейиш мумкин.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.
30570 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Одсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқуллов
Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев
Манзилнинг:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА якуни — 01:47 Топширилди — 01:50

18 май — Халқаро музейлар куни

“САҲРОДАГИ ЛУВР”

САЙЁҲЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

Ўнғирмунчоқ — жаранглайдиган тақинчоқ

Тасаввур қилинг: энгил қадам, зўрға эшитиладиган майин жаранг, металлнинг нозик жилоси. Ўнғирмунчоқ фақат ёруғликда эмас, балки товуш чиқариб ҳам жонланади. Бу қорақалпоқ анъанавий либосининг ўзига хос безағи бўлиб, каштали кўқрак қисмининг пастига маҳкамланади ва бутун либосга алоҳида ифода ҳамда нафислик бағишлайди. Унинг ҳаракатланувчи осмалари — занжирчалар ва қўнғироқчалар нозик жаранглаб, безакни гўё жонли ҳаракатланувчи қисмга айлантиради.

Ўнғирмунчоқ гўмбақсимон ёки чодирсимон кўринишда бўлиб, анъанавий аёллар бош кийимининг шакли билан уйғунлик касб этади. Унинг ислимий нақшли безакларида устанинг нозик диди, шакл ва ҳажм уйғунлигига интилиши яққол намоеён бўлади.

Уйма нақш, сим безак, донали безак, зарҳал безак, шунингдек, фируза ва маржон уламалари — буларнинг барчаси мураккаб бадий образни ифодалайди, ундаги ҳар бир қисм алоҳида маъно касб этади.

Ўнғирмунчоқ фақат безак эмас. Анъанага кўра, у турмушга чиққан аёл тимсоли билан боғлиқ бўлиб, ҳимоя, фаровонлик ва ҳаёт давомийлиги ҳақидаги тасаввурларни акс эттиради. Бу — гўзаллик, жаранг ва маъно уйғунлашган ноёб буюм. Ўнғирмунчоқни кўриш — анъана бардавонлигини ҳис қилиш демак.

Бундай экспонатларни дунёга машҳур Игорь Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейида томоша қилиш мумкин.

— Исмиим Орландо, Италияданман. 2023 йилдан Ўзбекистонда гўд бўлиб ишламан, — дейди сўхбатдошимиз. — 2024 йилдан буён Қорақалпоғистонга сайёҳлик туристлари билан келамиз ҳамда Нукус, Мўйноқ ва Орол денгизи



Осиё халқ амалии ва замонавий санъати асарларни ҳам сақланади.

— Мен миланликман, бу ерга тасодифан келиб қолдим, — дейди ўзини Марко деб таништирган сайёҳ. — Бу ер менда чиндан ҳам аjoyиб таассурот қолдирди. Музей — аjoyиб, бетақдор санъат асарлари намойиш этилган. Ушбу масканни барпо этган инсоннинг муҳаббати ва фидойилиги тарихи ҳақиқатан ҳам ҳайратланарли. Бу ерда нафақат гўзал суратларни, балки ўтган даврлар


идоралари таққилган рус авангарди асарларини йиға бошлади.

— Мажмуамиз фондида 1920-1930 йилларда авангард рассомлар чизган асарлар тўпланган. Қорақалпоқ халқ усталари тайёрлаган заргарлик, ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик, тўқимачилик ва бошқа асарлар амалии санъат бўлимида жамланган, — дейди музей масъул ходими Айгул Пирназарова. — Қадимий Хоразм санъати бўлими маҳаллий археологик гуруҳлар қўлга киритган топилмалар ҳисобига аянда бойимокда. Тасвирий санъат бўлими тўпламини сержирра қорақалпоқ рассомлари И.Савицкий, К.Саипов, Ж.Қуттумрасов, Д.Туралиёв, Марказий Осиё рассомчилигининг кекса авлод вакиллари А.Волков, М.Курзин, А.Николаев, Н.Карахан, Ў.Тансиқбоев ва бошқаларнинг катта аҳамиятга эга асарлари ташкил этади.

Қизил киймешек

Музей коллекциясида анъанавий нақшлари билан ажралиб турадиган энг гўзал ашёлардан бири — қизил киймешек сақланади. Бу бош кийим қизил мовутдан тикилади ва янги турмуш қурган келинчақнинг асосий либосларидан. Уни аёллар тўй кунидан бошлаб кийган. Шу сабабли у муайян даражада аёлнинг ижтимоий мақомини ҳам ифодалаган.

Бош кийим уч қисмдан иборат: киймешек олди — олд қисми бўлиб, тўлиқ кашталаниб безатилган; пашшайи — ипак матодан тикилган орқа қисми; киймешек қўйруқ — ипак популар билан безатилган дум қисми. Олд қисми тўлиқ мураккаб кашта билан қопланган бўлиб, унда геометрик, ўсимликсимон ва зооморф (ҳайвон шаклидаги) нақшлар



ҳудудида бўламиз. Бундан жуда хурсандман. Чунки биз Ўзбекистоннинг ҳақиқатан ҳам ўзига хос жойларига боряпмиз. Саёҳат учун жуда кўп қизиқарли жойлар бор: Нукусдан тортиб, Мўйноққача. Шунингдек, бу ерда Савицкий музейи жойлашган бўлиб, у жуда гўзал ва ноёб. Музей тарихи ҳам, ундаги суратлар ҳам ўзига хос.

Очиги, Ўзбекистоннинг сайёҳлар жуда кам бўладиган жойларига бориш ёқимли. Масалан, Самарқанд ва Бухоро ниҳоятда гўзал шаҳарлар, лекин баъзи мавсумларда сайёҳлар кўплиги сабабли гавжум бўлади. Шунинг учун бу ерда бўлиш ва кам сонли саёҳатчилар орасида ўзгача туйғуларни кашф этиш жуда мароқли.

Албатта, келган ҳар бир сайёҳ И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейини томоша қилмайди. “Саҳродаги Лувр” деб ном олган машҳур даргоҳнинг ноёб, бетақдор ва бой коллекциясини томоша қилиш учун бутун дунёдан туристлар Нукусга келади. Ушбу маскан дунёда қиймати жиҳатидан Санкт-Петербургдаги Давлат Рус музейидан кейинги ўринда турадиган рус авангарди коллекциясига эга. Унда археологик мерос объектларининг йирик коллекцияси, шунингдек, Марказий

ҳаётини акс эттирувчи жуда қизиқарли тасвиурларни толасиз.

Ушбу музей 1966 йили санъат арбоби, Қорақалпоғистон халқ рассоми, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳибни Игорь Савицкий ташаббуси билан очилган. 1984 йилга келиб, унга мусаввир номи берилган. 2011 йили ушбу муассаса “Туристлар назарига тушган музей” дипломига сазовор бўлди. Жорий йилда музей ташкил этилганининг 60 йиллиги нишонланмоқда.

Бугун бу ерда 100 мингга яқин экспонат сақланапти. Улардан 2500 га яқини кўрғазмага қўйилган. Хронологик жиҳатдан экспонатлар бронза давридан бошлаб то ҳозиргача бўлган ижод намуналарини қамраб олади. Ўзбек ва рус рассомларининг 1920-1930 йилларда яратилган авангард йўналишидаги асарлари муассасанинг бебаҳо дурдоналари.

Игорь Савицкий Қорақалпоғистонга илк бор 1950 йилда Хоразм археологик-этнографик экспедициясига қўшилиш учун келган. Шундан сўнг у Ўзбекистонда бутунлай қолиб кетди. Марказий Осиёга таалуқли қорақалпоқ санъати ва хунармандчилиги асарларини, рассомларнинг ижод намуналарини, шунингдек, ўша пайтларда собиқ иттифоқ



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ўқийш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири